**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим**
**вазирининг биринчи ўринбосари,**
**Марказ директори**

_______________**У.Салимов**

2017 йил “05” март

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат**
**солиқ қўмитаси раисининг**
**ўринбосари**

_______________**Х.Шакиров**

2017 йил “05” март

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раисининг**
**биринчи ўринбосари**

_______________**С.Ходжаев**

2017 йил “03” март

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Меҳнат вазирининг ўринбосари**

_______________ **Б.Низамов**

2017 йил “05” март

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси**
**раиси**

_______________**А.Шайхов**

2017 йил “05” март

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲ**
**Марказий Кенгаши раиси в.в.б**

_______________**С.Ашуров**

2017 йил “05” март

**Республика минтақаларида 2016-2017 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ва уларга бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришга доир**

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ

| № | Белгиланган чора-тадбирлар | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Тадбиркорлик фаолияти юритиш истагини билдирган 2016-2017 ўқув йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини аниқлаш, рўйхатини шакллантириш.<br>Бунда, ҳар бир тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирган битирувчиларни тадбиркорликнинг қайси фаолият тури билан шуғулланишини, қанча миқдорда имтиёзли микрокредит зарурлигини аниқлаш ва ушбу рўйхатни тижорат банклари филиалларига тақдим этиш. | 2017 йил<br>Март-апрел | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Марказий банк, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |

| № | Белгиланган чора-тадбирлар | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 2. | Ҳудудлардаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчиларга бизнесни ташкил этиш ва тижорат банкларидан кредит маблағлари олиш тартибларини жамлаган “Ёш тадбиркорлар бурчаги” жойлаштирилишини таъминлаш.<br>Ушбу бурчаклардаги маълумотларни қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқиб мунтазам янгилаб бориш. | 2017 йил март<br>Доимий | Тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 3. | Тадбиркорлик фаолиятни юритиш истагини билдирган 2016-2017 ўқув йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига иш юритишини ташкил этишда, бизнес режалар тузишда, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтишда амалий ёрдам кўрсатиш. | 2017 йил давомида | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Савдо саноат палатаси, Марказий банк, тижорат банклари, Меҳнат вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 4. | 2016-2017 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаётган ёшларга белгиланган тартибда тижорат банклари томонидан республика ҳудудлари бўйича 1-иловага мувофиқ **368,5 млрд.** сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилишини таъминлаш.<br>Бунда, устувор равишда микрокредитларни 2016/2017 ўқув йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини таъминлаш чораларни кўриш. | 2017 йил давомида, тасдиқланган режа жадвалга мувофиқ | Марказий банк, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 5. | Барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаркатининг “Ёш тадбиркор” консультатив марказларида тижорат банкларида жамланган амалиётда ўзини оқлаган намунали бизнес режалар тўпламининг электрон базасини шакллантириш. | 2017 йил март | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши, Тижорот банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 6. | Барча ҳудудларда ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиш. | 2017 йил ҳар чоракда | Савдо саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ, Марказий банк, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |

| № | Белгиланган чора-тадбирлар | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| 7. | 2016-2017 ўқув йили касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тузилган тўрт томонлама шартномаларга асосан, ўз мутахассислигига мувофиқ ишга жойлашишига кўмаклашиш ишлари олиб борилишини таъминлаш. | 2017 йил июль-декабрь | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқармалари |
| 8. | Муддатларни белгилаган ҳолда график тузиш ва шу асосида 2016-2017 ўқув йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига ҳудудлардаги тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар, ўз тадбиркорлигини бошлаш тартиби ва солиққа оид имтиёзлар тўғрисидаги маълумотларни учрашувлар, ўқув семинарлар ташкил қилган ҳолда етказиб бориш. Битирувчи ёшларга солиқ тўловчининг индентификация рақами (ИНН-СТИР) очилиши ишларига яқиндан ёрдам бериб бориш. | 2017 йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 9. | Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган 2016-2017 ўқув йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, тадбиркорлик фаолиятида учраган муаммоларни бартараф этилишига кўмаклашиш, янги тадбиркор сифатида ўз ишини бошламоқчи бўлганлар учун жорий этиладиган имтиёз ва преференциялар, бизнес режа ва ТИА (ТЭО)ларни тайёрлаш масалалари, кредит олиш тартиби, Лизинга жихозлар сотиб олиш корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш барча босқичлардан ўтиш бўйича ўқув курсларини режа-жадвал асосида ўтказиш.<br>Бунда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги таълим муассасалари ўқув курслар ўтказиш кунини белигилаб Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Тижорат банклари ва тегишли ташкилотларнинг вилоят, туман (шаҳар) бўлимларига мурожаат қилинади. | Доимий | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, тижорат банкларининг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 10. | “Тадбиркорлик-фаровон ҳаёт сари” мавзусида малакали тадбиркорлар билан туман ва шаҳарларда, ҳукуматимиз томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун берилаётган имтиёз ва енгилликларни тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказиш. | 2017 йил давомида жадвал асосида | “Камолот” ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 11. | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларда тадбиркорлик | 2017 йил март-май | “Камолот” ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо- |

| № | Белгиланган чора-тадбирлар | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
| --- | --- | --- | --- |
| | кўникмаларини шакллантириш учун маҳаллий бизнес тренерларни шакллантириш "Иқтисодчи ўқитувчи – камолотга элтувчи" лойиҳасини ташкил этиш. | | саноат палатаси, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 12. | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнес ғояларини амалга ошириш, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва шу орқали уларни бандлигини таъминлашга қаратилган "Менинг бизнес ғоям" танловини амалга ошириш. | 2017 йил март-июнь | "Камолот" ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Марказий банк, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 13. | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан олиб борилаётган ишларни, шу жумладан, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чоралар ва уларнинг натижаларини республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш. | 2017 йил давомида | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ЁИҲ, Марказий банк, тижорат банклари, Меҳнат вазирлиги ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбилар" тўғрисида 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли Фармонига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга берилган имтиёзларни тушунтириш ишларини олиб бориш. | Доимий | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 15 | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Иқтисодий тафаккур" танловини ташкил этиш ва ўтказиш. | Апрель – май | "Камолот" ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 16 | Ёшларнинг иқтисодий билимларини ошириш, иқтисодий ривожланиш бўйича илмий изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Барқарор иқтисодий ривожланиш – ёшлар нигоҳида" мавзусида давра сухбатлари ташкил этиш. | Апрель-июнь | "Камолот" ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |
| 17 | Ушбу Чора-тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларни ижроси бўйича ҳар ойнинг 5 санасида вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқарма (бўлим)лари Республика ташкилотларига амалга оширилган ишларнинг ижроси бўйича хисобот бериб борилади ҳамда туман(шаҳар), вилоят "Битирувчилар учун иш ўринларини яратиш ва бандлигини таъминлаш штаб"ларининг навбатдан ташқари ўтказиладиган йиғилишларида муҳокама қилиб бориш. | Доимий | Марказий банк, тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ЁИҲ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва ушбу ташкилотларнинг ҳудудий бошқарма(бўлим)лари |

чора-тадбирлар комплексига илова

**2017 йилда касб-ҳунар коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит тўғрисида маълумот***

| № | Ҳудуд номи | Кҳк сони | Жами битирувчи-лар сони | шундан қизлар | 2017 йилда тижорат банклари томонидан ажратиладиган маблағ (млн.сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Жами** | **1410** | **456794** | **223132** | **368499** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 93 | 24332 | 11821 | 15416 |
| 2 | Андижон вилояти | 117 | 41030 | 20081 | 29157 |
| 3 | Бухоро вилояти | 80 | 26166 | 12634 | 27207 |
| 4 | Жиззах вилояти | 75 | 18656 | 9565 | 17614 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 137 | 46783 | 22540 | 20887 |
| 6 | Навоий вилояти | 47 | 12225 | 5976 | 24428 |
| 7 | Наманган вилояти | 108 | 35221 | 16996 | 19882 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 160 | 53263 | 26258 | 50000 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 116 | 38931 | 19383 | 20474 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 47 | 11262 | 5529 | 13906 |
| 11 | Тошкент вилояти | 122 | 35544 | 17227 | 30157 |
| 12 | Фарғона вилояти | 144 | 53620 | 25871 | 28493 |
| 13 | Хоразм вилояти | 86 | 26405 | 13062 | 20171 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 78 | 33356 | 16189 | 50708 |

**ҳудудлардан олинган маълумотлар асосида*